

تونج қоғази
تونج қоғази

ЖАҲОН САРВАРИ БҮЛ, ЮРТИМ, ЎЗБЕГИМ!



Яна бир неча кундан кейин юртимизда катта тўй. Тасаввур қиляпсизми, болалар, бу шодиенанинг нечоғлик азиз ва ширин ўтажагини, кўнгиллар олам-олам қувончга тўлажагини. Негаки, бугун Ўзбекистон — озод, негаки, бугун Ўзбекистон — мустақил, негаки, бугун Ўзбекистон — тенглар ичидаги тенг мамлакат.

Шундай деймизу ека ушлаб: "Ҳайрият, қон тўкилмади", дега оҳиста пичиргаймиз, шукрлар қиламиз... Бироқ, минг афсус, бу қон тўкилган эди. Ўшанда, ўрислар зўрлик билан юртимизни босиб олишганда, ўзбек ватанпарварларининг қуттулг қони тош кўчаларда қотган эди... Келинг, мактаб парталаридан туриб, уларнинг руҳини шод этайлик, улардан абадул-абад рози бўлайлик.

Шу онда беиҳтиер тарихнинг ўша муддхиш воқеалари билан боғлиқ бир нарса едва тушади. Агар эсласанги, болалар, газетамизнинг 1989 йил 5 сентябрь сонида "Ўрта Осиё забт этилганми?" сарлавҳаси остида сұхбат эълон қилинган эди. Уни тарихчи олим Мажид ака Ҳасанов билан газетамизнинг ўша пайтдаги муҳаррири Абдусаид ака Кўчимов олиб боришганди. Ўрта Осиёнинг чор Россияси томонидан босиб олиниши, ўрис забитларининг қонли жиноятлари мусоҳабанинг асосий мавзуи эди.

Албатта, бу сұхбатдан кейинги "ҳангома"лардан сизнинг хабарингиз йўқ. Катталар эса буни яхши билишади. Ўшанда бир неча кундан кейин "Правда" газетасида "Мурғак қалбларга" (В. Артеменко, О. Кашиберганов) номли мақола эълон

қилинди. Чунки Ўрта Осиёнинг чор Россияси томонидан босиб олинишини сиз — болаларга рўй-рост айтганимиз "оға"ларимизга екмаган эди. Улар таъқидлашича, гўё ҳали ўз якунларини топмаган бу илмий, тарихий ҳуросаларни болалар ҳумкига ҳавола этиши хотигри бўлган. Шунингдек, газетамизга езган бир ўқувчининг тил ҳақидаги хати болалар ўтрасида миллатчилик түйғуларини уйғотади, деб талқин қилишади...

Хулас, шу тарика "отахон" "Правда" "Ленин учкунининг қулоғини чўзиб қўймоқчи" бўлди. "Катталарининг ишига аралишма" деб огоҳлантирган эди...

Биз эса ўшанда ўз фикримизда қолдик, юртимиздаги кенг жамоатчилик ҳам газетамизни қўллаб-қувватлади.

Мана, ўша замонлар ҳам ўтиб. Ўзбекистон мустақиллигининг бир ўйлигини қаршилаб турибмиз. Энди ҳеч ким ҳақ гапимиз учун оғизимизга урмайди, елкамизни қисмаймиз. Топганимиз — ҳалол ва ўзимизни.

Мустақил давлатда яшаетганимиз ҳар биримизнинг зинмамизга катта масъулият юклайди. Мавжуд ижтимоий-иқтисодий қийинчиликларни сабот билан енгib, янгича ўқиши, ишлаш ва яшаш кўнинмаларини тезроқ ўзлаштирасакина юксак фан ва маданият чўқилларига эришамиз, жаҳон сарварлари билга ўз эшигини очаверади.

Зоро, ҳаммамизнинг ҳам ниятимиз бир: жаҳон сарвари бўл, юртим, ўзбегим!

А. БЕРДИМУРОДОВ.

ТИЛАК

ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ БИР ЙИЛЛИГИГА

Қулади яна бир қонли истибод, Синди оҳанглари ёқимли кишан. Бир юз ўттиз йиллик гул кунлар барбод, Эмаклашга тушган боладир Ватан. Кўнгил қудугида тўй қил, укажон. Ўртга эгаликни ўй қил, укажон!

Менинг тасаввурим, ашки-дардим гўр, Тасаввубум куйган тап-тақир дала. Гўрўглини тукдан тариқатим гўр, Оғизга тутқазилган заҳар — коммуна. Боглар оралади иймон, укажон, Менинг толеим де, уйон, укажон!

Дунёга дунё берган пистоқи тупроқ, Бор-будини шилди ўрис хўжалар. Одили қонхўр чиқди, қонхўри опопқ Москов қозонида сугдий жўжалар... Шашмақомда воҳид, янгра, укажон Англаганлар шаҳид... англа, укажон!

Қатқалоқ пайкалларда ёй қомат чечак, Зеҳни гулга кирган моҳчехра сингил. Ҳилпираф тушларингда чорлади, демак, Момонгнинг рўмолини соғинган кокил. Ҳазин ҳасратларини улоқтирир қирга, Ҳаё—озодликдир ўзбек қизига.

Чўлпон нолалари бўлди ижобат, Армон қучогида лолали адир. Тегрангда айланади руҳи саодат, Тўмарис, Моҳлар ойим ялови-қадр. Уларга топинмасанг истиқлол чақа, Истиқбол йўқ бир нарса, шоирлар бақа.

Оғангнинг билгани шу, билмагани кўп... Олдда ҳали қанча тилсим, савдолар... Кўзлари ниғорон юрт, туриди кутиб, Манглайи ярқироқлик тилаб худодан. Югур, қадамларинг дунёга салом Хайқир; ҳайқириги энг шаффоғи калом.

Вафо ФАЙЗУЛЛО.

Мустақил сүёб-ҳазонсиз ճакор, Бир мустаффаҳ жаҳонсиз ճоғ!

Ўзбекистон Республикаси Президентиниң Фармони

ЎЗБЕКИСТОН ЎҚУВ ЙОРТЛАРИДА ҲАР ЙИЛИ 1 СЕНТЯБРДА

«МУСТАҚИЛЛИК КУНИ»НИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Давлатимиз тарихида янги саҳифа очган Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни байрам қилиниши муносабати билан ва унинг ёшларни маънавий камол топтиришида жуда катта тарбиявий аҳамиятга эга эканини назарда тутиб, ўқув юртлари жамоаларининг истакларини ҳисобга олиб:

1. Ҳар йили 1 сентябрда барча мактабларда, ҳунар-техника билим юртларида, ўрта маҳсус ва олий ўқув юртларида "Мустақиллик куни" мавзууда маҳсус машгулотлар, дарслар, маърузалар, тантанали йигрилишлар ва учрашувлар ўтказилсин.

2. Қарамоғида ўқув юртлари бўлган вазирликлар ва идоралар, ҳокимликлар:

— турли шакллардаги, ижодий изланиш ва байрам вазияти руҳидаги машгулотлар ва тадбирларни ўтказишга оид зарур ташкилий чораларни кўрсинглар;

— Ўзбекистон ҳаётининг барча соҳаларида рўй берәтган туб ўзгаришлардан ўқувчилар ва талабалар кенг хабардор қилинишини таъминласинлар, унинг эркин ва демократик ривожланиши истиқболларини очиб бериб, ёшларни юксак ватанпарварлик ва Ватанга садоқат руҳидаги тарбияласинлар;

— ўқув юртларида Мустақиллик кунини байрам қилинда ёшларнинг ижодий қобилиятларини очишига кўмаклашувчи ҳамда бир хиллик ва расмийтчиликни истисно этувчи турли танловлар, ижодий

беллашувлар, оммавий спорт мусобақалари, кўриклиар, бадий жамоаларининг томошалари ва бошқа тадбирлар ўтказиснлар.

3. Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ўқув юртларида Мустақиллик кунини таъёргарлик кўриши ва уни ўтказиш чогида республика оқсоқоллари, депутатлар, фан, маданият ва санъат арбобларини, ижодий ва бошқа жамоат ташкилотларининг ғакилларини, корхоналар ва муассасаларнинг раҳбарларини қатнанишга кенг жалб этсинлар.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1992 йил 22 августан



1 СЕНТЯБРЬ—ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ МУСТАҚИЛЛИК КУНИ

Мустақиллик куни – энг катта шодиёна билан сиз, ўғил-қизларимизни, набираларимни чин дилдан кутгтайман.

Халқимиз узоқ давр ичидаги қарамлиқдан қутилиб, ўз эрканин кўлига олганига, худди қафасдан чиқсан күшдай озод бўлганига бир йил тўлмоқда. Бизни бу тун дунё таниб, тан олди.

Мустақиллик – бу ёнли ўз ихтиёрия таша яшаш ўзилганинга, ача иш юритиш, тинакам ҳур, фарони ҳаёт

ТҮЙ МУБОРАК, БОЛАЖОНЛАРИМ!

яратишга йўллар очади, деган сўз.

Энди халқимиз пешона тери билан топган ҳамма нарса – ер ости ва ер усти бойликларимизгача барига ўзимиз эгалик қиласиз, деган гап.

Бу энди узоқ ўтмишизмизда яшириниб, қолиб кетган бой тарихий, маданий меросларимизни тиклаб оламиз, деган сўз.

Турмушимизда ҳам, онгимизда ҳам жуда катта янгиланиш, покланиш бошланганини кўриб турибсиз.

Албатта бу ўзгаришлар ўз-ўзидан юзага чиқаверади, десак хато қиласиз. Мустақиллик берган ёркинликлар улкан маъсулъиятни ҳам талаб қиласи, зиммамизга каттакон бурчлар ҳам юклайди. Аввало, биз ўз зеҳнимизга ўрнашиб қолган эски фикр-қарашлардан қутилишимиз зарур: янын бегамлик, тайёрлик, кўр-кўрана итоаткорлик, ўзбўларчилик, худбинолик (фақат ўзини ўйлашлик), ишёқмаслик, бевошлик каби баъзи бир болаларимиз атрофида бўлаётган воқеаларга бепарволик, ҳатто ишончисизлик кайфиятлари ҳам учраб турадики, буларга сира-сира ўрин бўлмаслиги керак!

Бундай болаларимиз мустақиллик насиб этган ёркинликнинг қадри-қимматини қанча тез тушуниб олсалар, – шунча яхши.

Ҳа, каттаю кичиг – ҳамма имону эътиқод билан ишга киришгандаги истиқлол деб атальган чўққига чиқишизмиз енгиллашида.

Болажонларим, сизни жондан севган бобонгиз ўрнидаман. Шунинг учун сизларга ниятлар билдириб, насиҳатлар қилгим келади: аввали шунни билингни, мустақиллик она юртни севишдан бошланади. Сизлар ўзаро ахил, иноқ бўлсангиз, илм олиш ўйлидаги гайратингизни кучайтирангиз, одоб-аҳлоққа риоя этсангиз, ақл-идроқни ишга солиб, фойдали касб-хунарларни ёгаллаб борсангиз, ана шунда севимли ота-онангизга, юрtingизга ҳам муносиб иш қилган бўласиз.

Сизлардан мустақил жумҳуриятимиз манфаатларига жон-дилдан хизмат этувчи ҳақиқий, мард, ишбилармон фуқаролар етишиб чиқишига ишонаман.

Сизларга бу хайрли ишларда омад ёр бўлсин, деб самимий тилакларимни билдираман!

Ҳаким НАЗИР,
Ўзбекистон ҳалқ ёзувчиси.



Карийб 25 йилдан ошик давр мобайнида Фотима опа Биринчи дарсни қизиқарли ва тушунарли қилиб ўтади. Аммо бу сафаргисида ҳаяжонланаяти. Чунки, бу галгиси ўзгача – мустақиллигинизнинг қўлга киритиши жараёнларини. Ватанингизга, Она юртимизга бу мустақиллик қанчалик зарур бўлганини тушунтириш керак.

Муаллима ўзига режса тузди – ўшбуларни тушуниши. Биринчи соат – "Менинг Ватаним" мавзуси зерикарли бўлмаслиги учун ўқувчилар билан бирга қилган саёҳатларига, ён-атрофга ўюштирган экскурсияларига таянади. Ўзи сўзлаб бўрган қазилма бойликларинг, ер ости ва ер усти дурдоналаримизнинг Мустақил Ўзбекистонимизга зарурлигини эслатиб ўтади. Бунинг учун қизиқарли кўргазма ҳам тайёрлаб қўйгай.

СУРАТДА: Тойкентдаги 22-мактабининг география ўқитувчиси Фотима опа Шоиногомова ўқувчилар даврасида.

Р, АЛЬБЕКОВ суратга туширган.

Олтин куз кириб келиши билан билим масканлари – мактаблар яна гаво маълашади. Уч ой – ёз давомида ҳувиллаб қолган синфҳонлар, кутубхоналардан яна болаларнинг шўх овозлари янграйди, ўқитувчиларнинг зеҳи билан дарс тушунтираётганини эшишилади.

Ҳар янги ўқув йилида мактаб дастурлари, ўқув соатларига ўқитувчилар киритилади. Янги фанлар, дарслар жорий этилади. Бу сафар эса яна ҳам кўпроқ янгиллар бўлиши мумкин. Чунки, бу янги ўқув йилини ўқитувчиларимизни мустақиллигининг 1 йилларни нишонланетган даврда бошланмоқда. Билимлар куни арафасида ана шундай янгиллар ва ўзгаришлар ҳақида сўзлаб беришни биз Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ўрта таълим Бозош бошқармасининг бошлиғи Й. М. Қосимоедан илтимос қиласиди.

– Йўлдош Маҳмудович!
Янги ўқув йилида ҳамма катта қизиқиши билан кутаётган биринчи дарс қандай бўлади?

– 1 сентябрь Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги Куни деб эълон қилинди. Ушбу куннинг байрам этилиши Халқаро Тинчлик Куни ва Билимлар кунини нишонлашга ҳам тўғри келиб қолди.

Бу байрамларнинг бир кунга тўғри келишининг ўзига хос рамзийлиги ҳам бордир. Вазирлигимизнинг тавсияси билан бу байрамларнинг чиройли ўтиши учун август ойида тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Ўқувчилар, талабадар қаторида ота-оналар ҳам ўқув юртлари олдида шанба ва якшанбаликлар ўтказишиади.

1 сентябрь куни вазирлигимиз тасарруфидаги барча ўқув юртларида Ўзбекистоннинг мустақиллик кунига бағшиланган дарс машғулотлари ўтказилади. Машғулотларда ўқувчиларга жумҳуриятимизнинг сиёсий, иқтисодий жиҳатдан суверинитетта эришиш йўллари, ҳалқ таълими соҳасидаги муваффақиятлари, болаларнинг билим олиши учун яратилган кенг имкониятлар ҳақида ҳикоя қилинади. Давлат мустақиллиги масаласига борлиқ эканлиги тушунтирилади.

Шу куни мактабларда, ўқув царгошларида тантанали тадбирлар, оммавий саиллар, спорт

мусобақалари, концертлар уюштирилади ва мактаб ўқувчилари бу тадбирларнинг энг фаол иштирокчилари бўладилар.

Шу соатдан бошлаб мактабларда "Менинг Ўзбекистоним" мавзууда ҳафталиклар ўтказила бошланади. Она-Ватан тарихига багишланган илмий-оммавий конференциялар, анжуманлар ўтказилади.

МУСТАҚИЛЛИК ДАРСИ

– Мустақил бўлганинига мана бир йил бўлди. Аммо ўрга мактаб ўқувчилари фойдаланаётган дарсларни ҳозирча бу мустақиллик ҳали унча акс этмаган. Бу йил қандай янги дарслар жорий этилади?

– Гапингиз ҳақ бўлса-да, ҳаммасига бирдан эришиш қийин. Аммо Республика ўқув методик Маркази бошчилигига олимларимиз, тилшунос ва адабиётшуносларимиз янги дарсларни устида тинмай ишлайшапти. Бу йил эса 7-8-синф ўқувчилари қайта ишланган, ўзгаришлар киритилган "Ватан адабиёти"ни қўлларига оладилар. Ўтган йили ваъда қилинган "Ўзбекистон ҳалқлари тарихи" 8-9-синфлар учун нашрдан чиқарилди. "Одобнома" фанидан ўтган йили методик тавсия чиқарилган эди. Бу йил эса ўқувчилар дарсларнинг ўзида фойдаланадилар.

Кичкинтоллар ҳам четда қолишмади: 1-синф "Алифбе"си муаллифи дарсларни қайта кўриб чиқди ва "Алифбе" қайта нашр этилди. Булардан ташқари 5-синфлар учун қизларга "Хизмат кўрсатиш меҳнати" ва ўғил болалар учун "Қишлоқ

БУ ЙИЛ:

● Мустақил жумҳуриятимизни 120 га яқин давлатлар тан олди.

● 48 мамлакат билан дипломатик алоқалар ўрнатилди. Бу давлатларнинг 20 тасининг элчихонаси бутунги кунда фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 14 таси пойтахтнинг ўзида, 6 таси эса Москвада иш олиб бормоқда.

● Яқин орада яна 40 га яқин хорижий давлатларнинг элчихоналари очилиш арафасида.

● Мустақил жумҳуриятимиз шу йилнинг 2 марта куни Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлди. Йил давомида яна бир қанча ийрик халқаро ташкилотлардан – ЮНЕСКО Халқаро ташкилотига, Соғлиқи Сақлаш Ташкилотига, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгашига аъзо бўлди.

БАЙРАМ АРАФАСИДА:

● Ўзбекистон Республикаси Болалар жамғармаси вилоят Болалар жамғармалари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда болалар сайлларини ўтказади, кам таъминланган, кўп болали оиласлар, ногирон болалар учун хайрия акцияларини ўтказади.

● Ўзининг 50 йиллик тўйини нишонлаётган Тошкентдаги 22-болалар уйи тарбияланувчиларига соввалар улашилади.

ШОДИЁНА КУНИ:

● А. Навоий номидаги театр олд майдонида кичкинтоллар учун қувноқ байрам бўлиб ўтади. Ёш тошкентликлар ва пойтакт мемонлари бу ерда қўғирчоқбозлар, цирк артистлари, масҳарабозлар билан учрашадилар. Ҳаво шарлари, хилма-хил байроқчалар, ичи ҳаво билан тўлдирилган қўғирчоқлар осмонга кўтарилади.

● Катталар учун ҳам қизиқ тафбирилар бор: Халқаро дўстлиги майдони шу куни 13 та миллий-маданий марказ ихтиёрига берилади. Бу марказлар жумҳуриятимизда япючи ҳалқларнинг санъатларини, турмушаныаларини, урф-одатларини аштиришида.

● Асосий воқеалар эса Тошкентнинг марказий Мустақиллик майдонида ўтказилади. Мустақиллик ёдгорлиги олдида эни 30 ва узунлиги 45 метрли улкан саҳна курилиб, бу ерда республикадаги театрлар артистлари ва ҳаваскор жамоалар байрамга атальган томошаларни намойиш этишиади.

АЙТГАНДАЙ, 31 август куни бу майдонда катта мушакбозлик ҳам бўлишини унугманг.

СЕНТЯБРЬ ЭШИК ҚОҚМОҚДА

хўжалиги меҳнати", 2-синф ўқувчилари учун "Меҳнат" дарсларни, қайта ишланган 6-7-синфларнинг инглиз, францу тили дарсларни нашрдан чиқарилади, тайёрлаб қўйилган.

– Янги фанлар ҳам киритиладими?

– Бу янги ўқув йилидан тарих фани дарслари хисобига "Диншунослик асослари" фани ўқитила бошланади. Юқори синфлар учун "Хукуқшунослик" фани киритилган. Чет тиллари мактаб имкониятига қараб 2-синфдан ўқитила бошланади.

– Лицей, гимназиялар хусусида ҳам гапириб берсангиз?

– Ўтган ўқув йилидан тарих фани дарслари бошланади. Юқори синфлар учун "Хукуқшунослик" фани киритилган. Чет тиллари мактаб имкониятига қараб ўқитила ўқитила бошланади.

Бу янги ўқув йилида хабарингиз бўлса керак, жумҳуриятимизнинг олти вилоятида олтида Туркия лицеи очилади. Бу лицеяларга 8-синфни битирган 50 ҷафар ва 5-синфни битирган 50 нафардан ўқувчилар танлаб олинди. Бу ишдан холис ният келажакда Туркия лицеини тутатган ўқувчининг Туркия олий ўқув юртларида олиб, уларнинг фантехника тараққиётини ўрганиб қайтишларидир.

Мавриди келиб, мен газетангиз орқали барча ўқувчиларни янги ўқув йилининг бошланishi билан кутгайман.

Д. ТУРАХМЕТОВА ёзиб олди.

Гулнорани яратган эгам забондан сиқкан. Акапаларининг етти мучали соғ, биргина Гулнора оиласда шундай түгилган. У кўз ўнгимизда улғайяди. Махалладаги болалар бирор ўйин ўйнасалар, "хей, соқов, сен нари тур, ўйинни бузяпсан" дега туртқилашарди. Шундай пайтларда жажжи қизалокнинг елкасини қисганча ўзини четга олишини кўриб, ўзимни босиб туролмасдим. Кизчани ҳатто тугишиган акасингиллари ҳам мазах килишарди. Онаизорининг эса юраги тилка-пора: "Гулнорам ўз ўйига, жигарларига бегонадек. Бошка фарзандларимдан кўра шу қизимга меҳрим бўлакча, кемтик кўнглини кўтиришга тиришаман. Уни забонисиз килиб яратган эгамдан, қизимга соглиқ тилаб

Уни ҳамма болалар туртқилашади. Оиласда ҳам, маҳаллада ҳам шундай. Чунки у...

чарчамайман. Бошка фарзандларимдан ҳам унга нисбатан хушумомала бўлишларини талаб киламан. Лекин бунга эриша олмаяман. Улар билан доимо бирга бўлолмайман-ку, ахир. Барibir ажратиб, ёлғизлатиб қўйишиди. Махалламиздаги болалардан ранжиб кирса, биргалашиб йиглайман. Шундан бўлса керак, Гулнорамнинг кулганини кўрмайман. Доимо ўйчан, ғамгин.

Кейинчалик қизимни заиф эшитувчилар маҳсус мактаб-интернатига ўқишига бердим. Илк бор қизимнинг кулганини, кувнаганини шу мактабда ўзи каби тенгдошлари даврасида кўрдим. Қизимнинг айтишича, у ўзини ўша ерда ёркин, баҳтиёр хис қиласкан. Бу сўзларни эшитиш мен учун қанчалар оғирлигини билсангиз эди...

Заиф эшитувчи болалар маҳсус мактаб-интернати. Бу мактаб 1990 йилда 102-мактабдан ажратилиб, ўзбек тилида ўқитиш ташкил килинган. Бу мактабга оддий мактаблардан фарқли ўлароқ, болалар 5 ёшидан, мактаб қошидаги боғчаларга қабул қилинади. Эканлигида боғчаларга қабул қилинади.

— Оиласда 10 нафар фарзанддан биттасининг кандайдир заиф томони бўлса, — деда фикр юртади мактаб директори Саидхамад ака Обидов, — онла аъзоларининг шу болага меҳри бўлакча бўлди. Натижада бола "подшо"дек бўлиб улгайди. Бу ерга келгандан кейин ҳам ўйдаги шароитни, унга бўлган "бўлакча" муомалани кўмсайди. Болаларга бириттирилган тарбиячиларимизнинг вазифалари уларни кўп каторига қўйиш, бу ерда ҳамма баробар ёканлигини тушунтиришдан иборат...

Бир-бирига қарама-қарши фикрлар. Гулноранинг онаси қизининг ўз ўйда ўзига нисбатан меҳни хис қила олмаётганини билди, ўзини мактабдагидек ёркин тута олмаслигидан зорланса, Саидхамад ака сингари устозлари болаларга уйларидагидек меҳр бера билиштиришиди. Нима бўлганда ҳам уларнинг кўнгиллари кемтик. Муҳаммад исмли боланинг "Нима сабабдан мен бундай тугилганман? Сиз кўп ичган бўлсангиз керак-да" дега ўз отасига

эътироz билдирганлиги фикримизнинг далилиди. Муҳаммад ҳам айнан шу мактабни тамомлаган. Иқтидори, кизиқиши, тиришқоқлиги билан бошқалардан ажрабиб турадиган бу бола кейинчалик П. Беньков номидаги Республика рассомчилик билим юртига кириб, ўқишини давом эттирган. Бу маскандан учирма бўлиб, ҳаётда ўз мунособ ўринларини топиб кетаётган, Тошкент Политехника олийгоҳида, Тошкент, Чирчик кишлек ҳўжалиги машинасозлари заводлариде меҳнат килаётган, энг муҳими-дардларига шифо топиб кетаётган ёшлар қанчадан-қанча. Шогирларига меҳр билан термула туриб, устозлари беихтиёр уларнинг бу даргоҳга дастлабки келган онларини хотирлашади.



Таътил хабарлари

ЧОТКОЛ тог тизмалари этагида жойлашган "Шодлик" оромгоҳи бу йил ҳам болалар билан гавжум бўлди. Иккичи мавсумда бу ерда 125 нафар ўғил-қиз марокли дам олишиди. Кенг спорт майдончалари, озода ёткхоналар, кинозал уларнинг хизматида бўлди. Болалар тог ён бағирларига саёхатга чиқдилар, бир неча корхона ва муассасаларда бўлиб, у ердаги иш жараёнлари билан танишидилар, маданият ва истироҳат bogida сайр килдилар. Уларнинг кўнгилдагидек дам олишлари учун Наманган қурилиш-таъмиглаш трести раҳбарлари бор имкониятларни ишга солдилар.

Т. СУЛАЙМОНОВ.
Наманган вилояти,
Косонсой тумани.

ЁЗ ДАВОМИДА Навоий номидаги давлат ҳўжалигининг Ф. У. Мусин номидаги қашшофлар оромгоҳида тўрттадан отрядлар фаолият кўрсатди. Боз етакчилар С. Ўзбекхўжаев, етакчилар Б. Умиров, З. Эргашева, С. Каҳрамонова, Ж. Хазаров каби тарбиячилар бошчилигига отрядларга бирлашиб дам олаётган болалар турли тўгаракларда шугулланишиди. Спорт мусобакаларини ўтказишиди. Оромгоҳда махаллий шароитга мослаб қун тартиби ишлаб чиқдилар. У дам оловчиларга ҳам маъкул бўлди. Унга кўра болалар кундуз кунлари турли

машгуотлар ўтказишиди, чўмилишиди, дам олишиди. Кечки пайтлар ҳам зерикарли ўтмади, оромгоҳдаги видеомагнитафон орқали улар мультфильмлар, кинофильмлар томоша қилишиди, концертлар тайёрлаб, намойиш этишиди.

Ў. СИДДИКОВ.
Кашқадарё вилояти,
Ульянов тумани.

БУ ЙИЛ "Куёшча" оромгоҳида янгиликлар кўп бўлди: оромгоҳ ўртасига янги сирпанчиклар ўрнатилиди, тушликка чакириш учун мусика янграйди, аввалидан фарқи ҳамма мажбурий кун тартибига бўйсингимайди.

— Олдинги йилларда оромгоҳларда ўтказилган тадбирлар еки мусобакалар Москвада тайёрланган методик қўлланмалар асосида ташкил этиларди, — дейди оромгоҳ бошлиги Жўрабой ака Мирзаолимов. — Бу йил улардан воз кечдик. Таникли ўзбек ёзувчиларининг саҳна ва бошқа асарларидан фойдаланиб, бадий кечалар, саҳнали чиқишилар ташкил этидик. Дам оловчиларни ҳам мажбурийликдан холос этиб, эмин-эркин ҳаракат қилишларига ўйл қўйиб бердик.

Андижон давлат банкига қарашли "Куёшча" оромгоҳида дам олган 300 га яқин болаларга бу ўзгаришлар маъкул келди ва улар мириқиб дам олдилар.

Х. РУСТАМОВ,
Андижон вилояти.

СПОРТ

ДАЪВОГАРЛАР

Шундай гап бор: Пеле (Эдсон Арантес ду Насименту) ҳам бўшаган консерва кутиларини телиб юриб, "машхур футболчи" даражасига кўтарилиган экан. Бу гапда қанчалик ҳақиқат борлигини билмадиг-у, бирор бизнинг кунларимиз ҳам шу тахлитда ўтмоқда — фақат бўшаган консерва кутиларини эмас, балки копток ҳам суришиб. Анча вақтни, мен ҳам Тоҳир ака Нормаматов тренерлик қилаётган "Ёш футболчилар" терма командасида аъзоман. Командамизнинг футбол билан шугулланиши учун барча имкониятлар мавжуд: стадион, чўмилиш ҳавзаси, копток...

— Биринчи ва сўнгти сўзим, — деб ҳар вақт бир гапни таъкидлайди Тоҳир ака, — ўйинда ўзингни Пеледек, Марадонаю Платинидек тасаввур эт. Ўз хатоларингни ёдда сақлаб қол ва яна қайтармасликка ҳаракат қил.

Биз шундай қиласиз, майдонда ёшина футболчилар эмас, балки пелелар, марадоналар ўйнаяпти, деймиз ва "машхур футболчи" бўлишга дарво қиласиз.

Зокир БОЗОРОВ.
Сурхондарё вилояти,
Ленин йўли тумани.



ЧИЛЛАК ЎЙНИ.

Абдували МУҲСИМОВ туширган сурат.

ЎҚИТУВЧИЛАРИНГИЗ ИЖОДИДАН

АСАЛАРИ

Эҳ, гунчажон,
Гунчажон.
Сендан ором
Олар тан.
Хўп ажойиб
Хуснинг бор.
Косанг тўла
Болинг бор.
Эркаланиб яйрайман,
Косангдан бол
ялайман.
Йигиб-йигиб
Хонамга.
Улашаман
Одамга.

МЕХРИБОН

Ойи бориб
Сигиримни
Соғиб келинг,
Бузоқчамни
кечикирмай
Хўп эмизинг.
Челакдаги
Сутингизга
Қараб турай,
Юзидаги
Қаймогини
Ялаб турай...

Асом ЗИЁМАТОВ,
ўқитувчи.
Паркент туманидаги
Чанги қишлоғи.


ЎҚИ, ҚИЗИҚ

● Амриқо дорилфунуни олимларидан бири у ерда яшовчи қалдирғоч турларининг ажойиб бир хусусиятларини кузатишига мудафак бўлди. Маълум бўлишича, у ердаги қалдирғочлар ўз инига 4 дона тухум кўйиб, кейинчалик бир ёки икки донасини ўзига кўшини яшайдиган күшларнинг инларига ташлаб кетар экан. Бу күшлар оламида жуда кам учрайдиган "хамтовоқлик" ҳолати саналади, гўё. Күшларнинг бу қилмиши сабабини эса олимларимиз ҳали аниқлашганларича йўқ.

● Таиландда кокос ёнғонини терадиган машина ихтиро қилинганича йўқ. Бироқ ҳозир бунинг учун маймунлар ихтиослаштирилди. Самфо Сакхон деган кишининг миясига мамлакатда кенг тарқалган кокос меваларини теришга маймунларни ўргатиш фикри келиб қолди. Унинг Кой Ной лақабли маймунни саотига 700-800 тадан ёнғоқ териб, ўз бирордларни орасида голубликни кўлга кирилди. Демак маймунлар учун бир соатлик ёнғоқ териш "мөъёри" 600 тага тўғри келар экан-да.

Севикли ўғлимиз Исройлжон Ўринов! Биз сени туғилган кунинг — 10 баҳоринг билан чин кўнгилдан табриклаймиз! Сенга узоқ-умр, сиҳат-саломатлик тилаймиз, деб даданг ЎРИНОВ Ислом, онанг ХАЙИТОВА Марҳабо, сингилларинг НАФИСА, НАСИБА, НИГОРА.

Карши шаҳри,
Достоевский кўчаси,
40-уи.



Жадоригланасиз!

(Давоми. Бошланиши ўтган сонда).

Стелянос Хрисопулос ҳам тўр тўқир, ҳам ашула хиргойи қиласди. Катта қизини бундан тўққиз йил бурун олиб қочгандилар. Кичик қизи анча ақсли чиқканди, турмушга чиқиб, уйли-жойли бўлганди. Куёв қиши кунларининг бирида, катта бир тўлқинга учраб, қайиги ботиб кетганди, ўзини зўрга куткариб қолишиганди. Бироқ зотилжам бу чинордай одамни ўн кун ичидаги үйларига келиб турдиган камкуват ижарачиларга ўҳшатиб кўйди. Ўн олтинчи куни кўчага чиқсан Ставро йигирма бешинчи кун яна қайталаб касалга чалинди-ю, ўлди. Кичик қизи бу кўллари катта-катта, кескин боқиши йигитни унутмади. Сил касалига гирифтор бўлди. Катта ўғли эса Юнонистонда бўлиб, нима қилаётгани номаълум эди. Тўрт йилдан бери дом-дараксиз эди. Кичик қизи ҳам ўлганидан кейин Стеляноснинг кўлида Трифондан бошқа ҳеч ким қолмади. Трифон, бу қарашни, бу пўлатдай мустахкам бўйинни, бу паришон ва бегам жингалак сочларини, бу қаттиқ ялтироқ тишларини отасидан олганди. Одасидан унга ўзига хос феъл-атвор ўтганди.

Бирдан нимадандир ҳаяжонланиб, жўшиб кетарди. Соглом инсонларга хос очилиб-сочилиб, атрофдагиларни ҳайратга солиб турарди. Узун бўйли, нозик, юзлари юнонларга ўхшаб кетадиган, лекин тўлдан келган эди. Кўзлари кисикроқ, лекин ўтқир, тишлари майда-оптоқ бўлса-да, бироз сарғаз бошлаган, кулаётганида оғзи худди бир кути очилганда очиларди. Хафалик ҳам бир пасда келиб кўя қоларди. Сабаби бошқа болалар учун қайтадан кулгу келтирган ҳар бир сўз, унинг бирдан жаҳдини чиқарар ва ўйглатиб юборарди.

Кичик Трифонни ўйлаб кетган бобонинг, нима кулишга ҳаққи йўқми? Ҳеч бир ҳаракат бу кулишчалик киши билмас ва ажойиб эмасdir. Буни кўрган одам бир эмас уч боласидан айрилган бир инсонга ўхшатмасди. Бу кулган юз, энг баҳтиёр инсонларнинг юзи эди. Балки хийлакор ана шундай кулар. Балки қайиги билан бир соатга икки маждиялага кирага борадиган балиқчилар ҳам мийгларида шундай кулиб ўйшишар, Стелянос Трифонни ўлаётгандан бирор уни келиб безовта этмасди. У ҳамиша Трифонни ўйларкан, айниқса, кўлидаги ип-игна

билан тўр тўқиётгандан унинг кичик ярамасликларини, жуда ширин-ширин ҳазилларини эсларди. Бошқа пайтларда Трифон елкани очиб юбормасин, Трифон совук емасин, Трифон бу ҳавода денгизга кирмасин, Трифон дарахтларга чиқиб ухлаб қолмасин, Трифон кўча болалари билан уришиб қолмасин, дей чол бечора кўчама-кўча кезиб юришга мажбур эди. Трифон шу яқин-атрофларда, ё елкан билан машгул, ва ё балиқ, ва ё денгизда бўларди. Лекин қаерга бормасин, негадир тополмасди Трифонни.

нинг учун бола ўйланиб қолди. Кекса бобоси эса, узун замон сокин дентизга қараб тургандай, жимгина кутарди. Трифон бундай тургун ва оғир ҳаволарни севмасди. Яна бир марта сўради:

— Отиними? Ҳозир... "Стелянос Хрисопулос" ёйман. Чол қўлидаги игнани атрофи тўр билан безатилган столинг устига кўйиб, "ҳо-ҳо"лаб кулди, кейин ўз исми кўйилажак кеманинг номини такрорлай бошлади! — Стелянос Хрисопулос!

Сўнг яна қаҳқаҳа отиб кулди.

Сайд ФОИК

СТЕЛЯНОС ХРИСОПУЛОС ЖЕМАСИ

ХИКОЯ

Ажабо, у қаерларда бўлиши мумкин?

Трифон ўйнинг олдидағи чинорнинг тагида, ўтлар устида иштаҳа билан кураётган қайиқнинг ёнида эди. Иккинчи кеманинг ясаш билан машгул эди. Бу сафарги кема ўн икки ёшли бир боланинг ясаётган кемаси эмасди. Бу ҳозирдан капитан бўлиши аниҳа хисобланган бир йигитчанинг кемаси эди. Ичидаги саёҳат килиш орзулари тўла: ҳур, озод, ватансиз бир инсоннинг кемаси эди.

— Трифон, шу ердамисан?

— Шу ердаман!...

— Гип этиб бир ерга гойиб бўлма.

— Йўқ! Кема ясамоқдаман.

— Бошқача кемами?

— Бу сафаргиси унисига ўхшамайди.

Зўр бир нарса бўлади.

Хужум килгандай учади.

— Кеманинг отини нима деб кўясан, Трифон?

— Отиними?

Бола ўйга толди. Ақлига аввал онасининг номи келди. Лабларининг учидаги Евана исми тургани холда ўйларди. Агар бу номни айтса, буважонисининг кўзларидаги яна хаёллар кўланкаси пайдо бўлар, хотиралар тўлқини ҳаракатга келиб, жуда маҳзун тортиб қоларди. Шу-

Бу сафарга кема гўзал чиқиш керак. Ичига одам тушмаса ҳам, аммо бошқа, аввал ясаганларига нисбатан хеч ўхшамаслиги керак эди. Кема кунлардан бир куни тайер бўлди. Бу кема Трифон учун бир дунёдай гап эди. Трифон, бу кема ўхшаманини хис этарди. Трифон кемага боқаркан, унинг олдида жажжи кизчалар ўтиб кетган чоғда юрагида пайдо бўлувчи юмшоқликни, енгил бир титроқни, уларнинг боз ўтириб қарашини хис этарди. Бу кема Трифон учун мовий кўзли бир киз эди. Энг ажойиб жойи шунда эдик, бу мовий кўзли кизни Трифонни ўзи бунёд этганди. Бу мовий кўзли киз ҳам Трифонни севарди. Ҳеч пайтда мовий кўзли кизлар Трифонни севишиганди эдими?

"Стелянос Хрисопулос" кемасини портнинг шимол қисмидаги кимсасиз денгизга туширилган кун пешин вақтига тўғри келганди. Кеманинг узунлиги бир метрча эди. Кордай оптоқ бўёқла бўялганда. Бош тарафига катта яхталарда бўлгани каби зар қоғоздан ишланган бир гул ёпиширилган эди. Кувурчанинг ичидаги симоб билан ялтиллатилган кўйма кўроғшин кўриниб турарди. Кеманинг ёнбошига зарҳал бўёқ билан "Стелянос

Хрисопулос" деб ёзиб кўйилганди.

Кеманинг кип-қизил байроби бор эди, байрокнинг ўртасига каттакон сўрек аломати кўйилганди. Байроқ қўндирилган устунга Трифон бобоси ясад берган кўп игнали қармогини инглиз тизимчалари билан яхшилаб бойлаб кўйганди. (Бу — Трифон назарида кеманинг тезилгини ва босиб ўтган ўйланини ўлчайдиган асбоб ўрнида эди). Кема сувга тушар-тушмас, худди бирдан жон киргандай ҳолатга тушди.

Трифон кун бўйи мазза қилиб ўйнади. Энди буваси уни қизиқтирас, у ердаги шагалларнинг устига узала тушиб ётишини, сал эсаётган денгиз шамолида чайқалаётган кемасининг тизимчасини кўйиб юбориб кейин янада уни ўзига тоғтанини, тўр тўқиб ўтирган еридан бемалол кўриб турарди.

Кишлоқнинг барча болалари, ҳатто япон магазинларидан ўйинчок сотадиган дўконлардан харид қилинган моторли қайиқчаларга, яшил ва оптоқ бўёқли елканларга соҳиб бўлганлар ҳам катта қарагай дарахтининг остида ўтказилган йигилишга ҳозир бўлдилар.

"Стелянос Хрисопулос" кемасини ботирмоқлик учун барча ҳозирликлар кўриб кўйилганди.


Трифон ҳар вақтдагидай бўйи баробар кемасини денгиз қирғогига келтириб кўйди. Кемасини кияликнинг тепасига ўрнаштириди. Тираоб кўйилган таҳтани олар олмас, ёглаб кўйилгандай силлик кияликдан кема гизиллаб, сувга кўмилди. Жанубий шарқ томондан сал шамол эсади. Тизимча борган сари бўшаб борарди, кема сал кийшайганча лапанглаб кетмоқда эди.

Худди шу пайт кеманинг ёнгинасига тушган тош уни янам тезор юргизиб юборди, Трифон шошиб қолди. Кеманинг дарров орқага тортиб олишнинг имони бўлмади. Учинчи отилган тўпнинг товушидан кейин Трифон буткул ўзини ўқотди... тизимчани кўлидан чиқариб юборди.

Хрисопулос кемаси тўхтовсиз қочиб борарди. Бу орада ўн олти ҷоғли бола кўлларидаги ва чўнтақларидаги тошлар билан юргурилашиб қолдилар. Кўп ўтмай улар "Стелянос Хрисопулос" кемасини чўқтиридилар.

Туркчадан Мирвали АЪЗАМ таржимаси.

Бош мұхаррир: Акрам БЕРДИМУРОДОВ



Таҳир ҳайъати:

В. ФАЙЗУЛЛАЕВ, Т. ЭШБОЕВ,
А. КЎЧИМОВ, М. РАҲИМБЕРДИЕВА,
Т. КАРИМОВ, М. ПИРМАТОВ (масъул котиб).

Газетанинг навбатдаги сони 4 сентябрь куни чиқади.

Тасвир этувчи:
УЗБЕКИСТОН ЕШЛАР ИТТИФОҚИ
МАРКАЗИЙ ҚУМИТАСИ
Бизнинг манзилгоҳимиз:
ТОШКЕНТ ШАҲРИ, 700083,
ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УИ.
Газета ҳафтанинг чоршанба
ва шанба кунлари чиқади.

Маълумот учун телефон: 32-54-24
Узбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг босмахонаси.
Тошкент шаҳри, 700083, Ленинград кўчаси, 32-УИ
Чоп этиш вақти — 18.00.
Буюртма № Г-27. Нашр тўрсаткичи 64563.

Газета 318242 нусхада чоп этилди. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10